# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2013-YIL 20-DEKABR, JUMA, 153 (8234)-son | 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.


# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**2013 йил 19 декабрь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.**

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги кунда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Сурхондарё вилоятида ҳам эътиборга лойиқ катта-катта ўзгаришлар юз бермоқда, деб таъкидлади Ислом Каримов. Кейинги йилларда барпо этилган замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, хизмат кўрсатиш инфратузилмалари, ижтимоий соҳа объектларини – янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш ва спорт масканларини кўрганда, бу кўҳна ва бетакрор замин янада гўзал ва обод бўлиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз. Вилоятда 2013 йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот 9,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоизга, қурилиш ишлари қарийб 11 фоизга, пуллик хизматлар 18,5 фоизга ўсди.

Вилоятда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини янгилаш, модернизация қилиш мақсадида 2005-2013 йиллар мобайнида барча манбалар ҳисобидан 2 миллиард 877 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилди, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз вилоятда эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган айрим камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Н.Чориев Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бошқарма бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Эшдавлат Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Орзиқул Соатов, Термиз давлат университети ўқитувчилари Ғайрат Расулов ва Гулнора Алиматова, Шеробод туманидаги «Абраев Эшбой» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Тўрамурод Абраев ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

* * *

Президентимиз Ислом Каримов шу куни «Ҳайратон» чегара мажмуасига ташриф буюриб, офицер ва аскарлар билан мулоқотда бўлди.

**А.САМАДОВ,**
**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## Э.Т.Жўраевни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Эшдавлат Турсунович Жўраев** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 19 декабрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## Н.А.Чориевни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Нормўмин Амонович Чориев** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 19 декабрь

*Пойтахтимизда республикамиздаги ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, идора ва муассасалардаги хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотларининг раислари ўртасида ўтказилган "Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

# ТАШАББУСКОРЛИК, ШИЖОАТ ВА ДОНОЛИК ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қатор ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида 6 номинация бўйича тавсия этилган 84 нафар бошланғич ташкилот раислари қатнашди.

– Ушбу кўрик-танловдан кўзланган мақсад қуйи тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришдан иборатдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Гулжамол Асқарова. – Бугунги кунда республикамизда ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, идора ва муассасалардаги хотин-қизлар қўмиталари сони 41 мингга яқинни ташкил этади. Ушбу танловнинг туман, шаҳар босқичларида 20 мингга яқин, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида йигирма мингга яқин бошланғич ташкилот раислари иштирок этди.

Жорий йилда ушбу кўрик-танлов иштирокчиларининг сони ортгани, бошланғич ташкилот раислари юртимизда аёллар масаласига оид ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш олиб бориш, вазифаларни амалга оширишда қўмита тизимига хос бўлган халқчилликни, аёллар ва оилалар муаммоларига чуқурроқ ёндашишни дастуриламал қилиб олганлиги билан аҳамият касб этди. Айниқса, кўрик-танлов номзодларининг меҳнаткашлиги, халқчил тажрибаси, ўз ишига ихлос ва фидойилик билан ёндашиши яққол кўриниб турди.

– Жамиятда аёлларнинг нуфузини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлардан беҳад мамнунмиз – дейди танловнинг "Энг намунали маҳалла хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" номинацияси йўналишида биринчи ўринга сазовор бўлган Бухоро вилояти Вобкент туманидаги "Ҳожувон" маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Шаҳодат Асадова. – Мазкур танлов ҳам ана шундай ишларнинг ёрқин далилидир. Бу бизнинг зиммамиздаги масъулиятимизни янада ошириб, фаол меҳнат қилишга ундайди.

Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

**2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ**



# ЗАМОНАВИЙ УЙЛАРДА СОҒЛОМ БОЛАЛАР УЛҒАЯДИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИДА СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД УЧУН ЁРҚИН КЕЛАЖАК ЯРАТИШДЕК ЭЗГУ МАҚСАД МУЖАССАМЛАШГАН

2013 йил ҳам адоғига етмоқда. Ўтиб бораётган йилни, унинг ҳаётимизга мазмун бағишлаган, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлаган ҳар бир кунини кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, бу йил ҳам ҳар жиҳатдан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг жаҳондаги обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим давр бўлди, дея ишонч билан айта оламиз. "Обод турмуш йили" Давлат дастури юртдошларимизнинг ҳаётида, жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди. Биргина қишлоқларимизда амалга оширилган ишлар, қишлоқ қиёфасини, одамларнинг турмуш тарзини ўзгартирган улкан бунёдкорлик ишларини олиб кўрайлик.

Ўтган йилда юртимизнинг 147 та туманида 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилди. Бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилди.

Кўркам, қулай, замонавий уй-жойлар юртимиз жамолига ҳусн қўшмоқда. Ушбу ишларнинг асосида эса инсон манфаатлари устувор, аҳолига қулай шарт-шароит яратишдек эзгу мақсад мужассамдир. Қолаверса, замонавий, шинам уйларда туғилиб, вояга етган болаларнинг соғлиғи, фикри, дунёқараши ҳам бошқача бўлади. Амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти ана шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

**(Давоми 6-саҳифада)**

Навоий вилояти | ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

# ЭНГ ЯХШИ ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР

**Навоий шаҳрида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурслари" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган иштирокчилар ўзларининг дастурий ишланма ва электрон қўлланмаларини намойиш этишди.**

– Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда таълим сифатини янги босқичга кўтариш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир, – дейди Халқ таълими вазирлигининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими назоратчиси Қ.Саидов. – Анъанавий танловнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётгани таълим тизимида АКТдан самарали фойдаланилаётганидан далолат беради.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, ўқувчилар ўртасида Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги 8-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Шуҳрат Шарипов, ўқитувчилардан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дарменбай Қонарбаев ғолибликни қўлга киритди.

Тадбирда фаол иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчиларга махсус сертификатлар топширилди.

**Н.РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

АНЖУМАН

# ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТИР

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослашган ташқи савдо компанияси ҳамкорлигида анжуман ташкил этилди. Унда сўз юритилганидек, юртимизда тадбиркорлар учун шарт-шароитлар яратиш, имтиёзлар бериш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Ўзбекистон Бизнес Форуми" лойиҳаси доирасида палатанинг ҳудудлардаги бўлимларида Ахборот маслаҳат марказлари ҳамда Бизнес марказлари ташкил этилди. Улар орқали тадбиркорлар қисқа фурсатда барча маълумотларни олиш, яъни қонунчилик ҳужжатлари, солиқ имтиёзлари ва солиқ ҳисоботлари, лицензия ва рўйхатдан ўтиш, техника ва технологиялар, шунингдек, грант олиш ҳамда лойиҳалар яратиш ва ҳамкорлар топиш имконига эга бўлмоқдалар.

Савдо-саноат палатаси кўмагида 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида хорижий капитал иштирокида 16 та корхона ташкил қилинди, шундан 11 таси қўшма корхоналардир. Шунингдек, 277 та корхонага 26,678 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ минитехнология ва ускуналар харид қилишга йўналтирилди.

Палата томонидан маҳаллий корхоналарнинг экспорт фаолиятини янада жадаллаштириш ва уларга миллий маҳсулотларни экспорт қилишда кўмаклашишга қаратилган 33 та кооперацион биржалари ўтказилди. Ўрнатилган ҳамкорлик натижаси ўлароқ 93 та маҳаллий корхоналарнинг 76,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларини экспорт қилишга эришилди.

Палата томонидан ахборот-коммуникацион соҳага ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, "SMS-To'lov" нақд пулсиз тўловларнинг электрон тизими ишлаб чиқилди, "UzSAT" тадбиркорларнинг мобиль иловаси ҳамда "biznesinfo.uz" портали каби интерактив хизматларни жорий қилди. Бундан ташқари, саноат корхоналарининг электрон маълумотлар базаси яратилди. У қарийб 10 мингга яқин йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ўз ичига олган. Мазкур база ЎзССП веб-сайтининг бош саҳифасида жойлаштирилган. Унда шунингдек, "Савдо майдончаси" ва "Виртуал кўргазма" каби саҳифалар мавжуд бўлиб, ушбу маълумотлардан барча истеъмолчилар фойдаланишлари мумкин. Палата томонидан амалга оширилган лойиҳалар қаторида "Кайдзен" – тежамкор ишлаб чиқариш тизимини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу тизим республикамиздаги 10 дан ортиқ корхоналарда татбиқ қилинган.

Шунингдек, тадбиркорларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

▼ МЕЛИОРАЦИЯ

# ДАЛАЛАР БАРАКАСИ

## АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАР ЗАМИН САХОВАТИНИ ОЧМОҚДА

**Оролбўйида қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан, пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштириб келинаётганининг муҳим омилларидан бири — сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган эътибордир. Президентимизнинг 2008 йил 19 мартдаги «2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, магистрал ва хўжаликлараро, ички хўжалик каналларини тозалаш, коллектор-дренаж тармоқларида қуриш ва реконструкциялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада ер ва сув тизимини яхшилаш, тупроқ балл бонитетини кўтариш ҳисобидан мураккаб шароитга қарамасдан ҳосилдорликни оширишга эришилмоқда.**

— 2008-2012 йиллар мобайнида 114 та мелиоратив объектда 7521,2 километр узунликдаги ишлар амалга оширилди, — дейди Қорақалпоғистон Гидрогеология мелиоратив экспедицияси раҳбари Абат Салиҳов. — Шунингдек, узунлиги 267,9 километрни ташкил этган 34 та объектда реконструкция ва қурилиш ишлари бажарилди. Натижада 176 минг гектардан зиёд ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ўтган йилнинг ўзида жами 2193,2 километр тиклаш ва таъмирлаш ишлари бажарилиб, 368 дона гидроқурилма, 14 дона гидропост ва 269 дона назорат қудуқлари таъмирланди. Умумий узунлиги 102,8 километрдан иборат 10 та объектда реконструкция ва қурилиш ишлари бажарилди.

Бундай кенг кўламдаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан Оролбўйида бу каби ишларнинг давом этаётганлиги фермерларга яна ҳам қувонч бағишламоқда. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда 2167,8 километр узунликдаги коллекторларни тозалаш, таъмирлаш-тиклаш режалаштирилган бўлса, 1 ноябрь ҳолатига 2092,6 километр узунликдаги коллекторларда тозалаш, таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 179 дона трубали ўтказгич, 216 дона назорат қудуқлари, 14 дона темир-бетон кўприклар ва 5 дона гидропостлар таъмирланди. Ушбу ишларни вақтида ва сифатли бажариш мақсадида 80 дона экскаватор, 31 дона бульдозерлар жалб қилинди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли 1-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Дирекция жамоаси томонидан жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида умумий узунлиги 56,164 километрлик сув тармоқлари реконструкция қилинди. Шунингдек, 3 та сув тўсувчи иншоот, 73 та сув ўтказувчи қурилма, 73 та гидропост қурилиши олиб борилди. Жами 1050,55 минг куб тупроқ, 1621 метр куб бетон ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 18 дона гидротехник иншоот, 18 дона кўприк реконструкция қилинди. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, 6 миллиард 110 миллион 270 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Айни кунларда Чимбой туманидаги «Кегайли», «Майжап», Амударё туманидаги «Манғит-арна», Шуманай туманидаги «Шуманай», Кегайли туманидаги «Кўкўзак», «Обод ярмиш» каналларида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. «Кегайлидавсувмахсуспудрат», «Амударёдавсувмахсуспудрат», «Элликқалъадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхоналари томонидан амалга оширилаётган мазкур реконструкция ишларига 50 донага яқин турли русумдаги техникалар жалб этилиб, 80 нафарга яқин ишчи-механизатор меҳнат қилмоқда.

Шуманай тумани ҳудудидаги «Шуманай» каналининг реконструкция ишлари 2012 йилда бошланган бўлиб, 2016 йилда якунлаш режалаштирилган. Бунда умумий узунлиги 56 километр бўлган канал реконструкция қилиниб, 3 дона сув тўсувчи, 27 дона сув ўтказувчи иншоот ва 66 дона гидропост қурилади. Бугунги кунга қадар каналнинг 4 километри реконструкция қилиниб, 214,747 минг метр куб тупроқ ишлари уддаланди. Яқин кунларда Амударё туманидаги «Манғит-арна» каналининг реконструкция ишлари тугалланиб, фойдаланишга топширилади. Мазкур қурилиш ишларида «Амударёдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасининг ишчи-механизаторлари меҳнат қилмоқда. Мазкур лойиҳа асосида умумий узунлиги 38,747 километр канал реконструкция қилиниб, 148 дона сув ўтказувчи иншоот қурилади. Кегайли туманидаги «Обод ярмиш», «Кўкўзак», Чимбой туманидаги «Кегайли» каналларининг реконструкция ишлари ҳам якунланмоқда. Жорий йилда Чимбой туманидаги «Майжап» каналида бошланган реконструкция ишлари эса 2015 йилда тугалланиши белгиланган. «Кегайлидавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасининг ишчи-механизаторлари амалга ошираётган ушбу қурилиш ишларининг биринчи босқичида умумий узунлиги 10 километр канал реконструкция қилиниб, 15 дона сув ўтказувчи иншоот, 19 дона гидропост қурилиши режалаштирилган.

Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар сифатли ва намунали ташкил этилмоқда. Мазкур ишлар самараси эса далалардан йиғиб олинаётган мўл ҳосилда, юксак хирмонларда намоён бўлмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

**Ҳар бир инсоннинг ҳаётида қувончли, унутилмас кунлар бўлади. Айниқса, танлаган касб туфайли эришилган муваффақиятлар кишига туганмас куч-қувват бағишлайди, меҳнати қадр топаётгани, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик эса янада юксак марралар сари чорлайди.**

# ҲАРБИЙ БЎЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги фармони билан “Шуҳрат” медалига сазовор бўлганимда буни янада теранроқ ҳис қилдим. Касбимга меҳрим янада ортиб, ғайратимга ғайрат қўшилди. Давлатимизнинг бу юксак мукофоти мени хизматда доимо сергак ва ҳушёр бўлишга ундайди.

Мамлакатимизда ҳарбийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили кўплаб ҳарбийлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ҳарбий хизматни ўташ шароитларини янада яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига имтиёзлар беришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Қўмондонлик томонидан намунали хизмат қилган аскарларга олий ўқув юртларига имтиёзли равишда ўқишга кириш учун тавсияномалар берилмоқда.

Бугун барча ҳарбий қисм ва билим юртларида ҳарбийлар учун барча шарт-шароит яратилган. Уларда ҳарбийлар замонавий қулайлик ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ўз билим ва малакасини бойитишга, жисмоний, руҳий ва жанговар тайёргарлигини янада оширишга интилмоқда. Зеро, ҳарбийлар ўз хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат намунасини кўрсатишга қодир, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўша оладиган, миллий манфаатларимизнинг фаол ҳимоячиси бўлиши лозим.

Мен хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам сафдошларим ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашга, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида қатъият ва фидойилик билан хизмат қилишга бел боғлаган.

Ҳарбий либос кийган ҳар бир ўғлон, у хоҳ муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар, хоҳ сержант ёки офицер бўлсин, барчасининг мақсади битта – жонажон Ватанимиз Ўзбекистонни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек ҳимоя қилиш.

Ана шу муқаддас бурчни шараф билан ўтаётган ҳарбийлар қаторида мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Ҳарбий касбни танлаб, ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тамомлаб, офицер сифатида ҳарбий хизматни давом эттирмоқдаман. 2012 йили Қуролли Кучларимиз тизимида ўтказилган “Энг илғор мутахассис” кўрик-танловининг якуний босқичида йилнинг “Энг илғор взвод (батарея) командири” номинацияси ғолиби бўлдим. Бундан кейин ҳам Ватан ҳимоячиси деган юксак шарафга, истиқлол ғояларига, Президентимизга ва халқимизга содиқ бўлишга ваъда бераман.

**Ибрат МАШАРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батарея командири.**

(ЎзА)

Сирдарё Вилояти

Сайхунобод тумани «Гулистон» сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги «Қоратой Мирзаев» фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда 62 гектар майдонда ғўза парваришлаб, ҳар гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили олишди.

# ШЎР ЧЕКИНИБ, ҲОСИЛДОРЛИК ОШМОҚДА

Хўжалик майдонлари шўрхок ҳисобланади. Шу боис, бу ерда доимий мелиоратив тадбирларни ўтказиш зарур. Жумладан, шўр ювиш ва яхоб суви бериш ишлари сифатли амалга оширилмаса, жорий йилгидек муваффақиятга эришилмайди.

– Бу тадбирларни бажаришда тажрибали сувчилар Олим Калонов, Алишер Ўрозов, Холмўмин Имонқуловнинг ҳиссаси катта, – дейди фермер Икром Қоратоев. – Улар челларга ташланган сувнинг 15-20 сантиметр қалинликда бостирилиши, обиҳаёт беҳуда исроф бўлмаслигини қатъий назорат қилиб бормоқда. Қишда берилган яхоб суви эса ҳашаротлар уруғларини бартараф этиш билан бирга тупроқ устки қисмидаги шўрни йўқотишда яхши самара бераётир. Бундан ташқари, хўжалигимизда пахта, ғалла ва мош алмашлаб экиш усулининг қўлланилаётганлиги ҳам тупроқ таркибида гумус миқдори кўпайиб, вегетация даврида эгатларда намлик яхши сақланишини таъминлаб келаётир. Қолаверса, улардан олинадиган даромад ишчиларимизнинг турмуш шароитини яхшилашда ҳисса бўлмоқда.

Фермер хўжалигида қўшимча тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йилда 7 гектар майдонда балиқчилик сунъий ҳавзаси ташкил этилиб, унга балиқ чавоқлари ташланганди. Шу мавсумда 30 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилди.

Фермерларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган “Қоратой Мирзаев” фермер хўжалиги аъзолари келгуси йилда ҳам мўл ҳосил олиб, муваффақиятлар кўламини кенгайтириш мақсадида қишки агротехник тадбирларни пухта амалга оширмоқдалар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Фарғона Вилояти

# ҚЎШТЕГИРМОНЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР

**Бағдод тумани Қўштегирмон қишлоғи аҳолиси қадимдан ҳунармандчилик билан шуғулланиб, ном чиқарган. Ҳозир ҳам ҳунарманд усталарнинг авлоди аждодларидан мерос бўлган темирчилик, дурадгорлик ҳунарларини эъзозлаб, яхшигина даромад топишяпти, элга нафи тегяпти.**



Қишлоқ аҳли деҳқончилик, боғдорчилик, зироатчиликда ҳам катта тажриба тўплашган. Бу ерда етиштирилган полиз ва сабзавот маҳсулотлари сифатли бўлгани сабаб харидоргир. Кўпгина хонадон эгалари томорқаларида иссиқхоналар барпо этиб, аҳоли дастурхонига турли ноз-неъматлар етказиб бермоқдалар. Боғларда етиштирилган мевалар эса бозорни обод этяпти.

— Қишлоғимиз мустақиллик йилларида жадал ривожланиб, барча жабҳаларда ўсишга эришди, — дейди 19-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Нодиржон Ёқубов. — Қишлоғимизда, қўлигул ҳунармандлар, томорқаларида сархил, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб, бозорларни тўлдираётган меҳнаткаш миришкорлар кўп. Масалан, туман марказий шифохонаси шифокори Шокирали Аҳмедовни олайлик. У маҳалланинг обрўли, иззат-ҳурматидаги кишиларидан. Нафақат одоб-ахлоқ ва жамоат ишларида фаоллиги билан балки, томорқасидан унумли фойдаланиб, рўзғорига барака киритиб, даромад олишда ҳам бошқаларга ибрат бўлмоқда. Тадбиркор Алишер Қундузов эса томорқасидан катта даромад олиб, мактабимизнинг аълочи, турли танловларда ғолиб бўлган ўқувчиларини қўшимча рағбатлантирмоқда. Яқинда эса мактабга футбол тўпи, шахмат, шашка, теннис ракеткаси кабилардан иборат спорт жиҳозларини ҳадя қилди.

Бундан ташқари, у қишлоқда замонавий лойиҳа асосида минифутбол майдони бунёд этишни режалаштирган. Ҳадемай қурилиш ишларини бошлаб юбориш арафасида.

Қўштегирмонда миришкор деҳқон, боғбонлардан ташқари кўплаб чеварлар, темирчилар, бешикчилар сулолари истиқомат қилади.

Ана шундай ҳунармандлардан бири темирчилар сулоласининг вакили Абдувоси Раҳимовдир.

— Отам раҳматли Расулжон Раҳимов ҳам унинг отаси ҳам темирчи ўтган, — дейди уста. — Ундан тўрт ўғил қолганмиз. Ҳозирда укам Толибжон билан мен отамнинг ҳунарини давом эттиряпмиз. Буюртмалар кўп. Қишлоғимиз аҳли меҳнаткаш, миришкор. Шу сабаб, мавсумда белкурак, кетмон каби иш қуролларини тайёрлашнинг ўзи қўлимиз-қўлимизга тегмай ишлашимизни таъминлайди. Отамизнинг ҳунарини олиб кам бўлганимиз йўқ. Рўзғоримиз бут, оиламиз фаровон. Буларнинг барчаси мустақиллик берган эркин меҳнат қилиш юртимиз, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилиш, имкони самарасидир.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Андижон Вилояти

▼ ТОМОРҚА — ХАЗИНА

# НОМИГА МОНАНД ОБОДОН

**Қўрғонтепа туманидаги Савой қишлоғида чорвачилик анча ривожланган. Хонадонларда парвариш қилинаётган қорамолларнинг қарийб 100 фоизи наслли. Шу боис, ҳар бош сигирдан 20-30 литргача серқаймоқ сут соғиб олинмоқда.**

– Сўнгги йилларда томорқа хўжалигига берилаётган эътибор туфайли қишлоқда чорвачилик қаторида мева-сабзавотчилик ҳам ривожлана бошлади, – дейди “Савой” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдулҳаким Шерматов. – Аҳоли томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми ортди, сифати ошди. Бу эса нафақат рўзғорни обод этиш, балки бозорга чиқариш имконини ҳам бермоқда.

Қишлоқнинг Ободон маҳалласида яшовчи Ғанижон Абдуллаев хонадонида томорқадан салмоқли даромад олинмоқда. Айни кунларда ҳам уч сотих ерда ташкил этилган иссиқхонада ўсаётган 20 туп лимон дарахти шохларидаги ғуж-ғуж ҳосилини кўз-кўз қилиб турибди. Дарахтлар остида рўзғорга асқотадиган саримсоқпиёз ва турли хилдаги ошкўклар барқ уриб, ўсиб ётибди.

Ип билан ихчамгина ишкомга бир текис тортилган помидорлар эса истеъмолга тайёр турибди. Қисқаси, бўш турган кафтдек ернинг ўзи йўқ.

– Халқимиз “Ерни боққан – бой бўлади”, дея бежизга айтишмаган, – дейди Ғанижон Абдуллаев. – Нафақага чиққач, томорқада иссиқхона ташкил қилиб, лимон етиштиришга аҳд қилдим. Кўчатлар тезда ҳосилга кирди. Айни пайтда ҳар бир дарахт ўртача 40 килограммдан мева беряпти. Жорий мавсумда биргина шунинг ўзидан 6 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олдик.

– Лимоннинг, ҳатто барги ҳам фойдали, – дея суҳбатимизга қўшилди оила бекаси Маҳфуза опа. – Ўтган йили газетада ўқиб, лимон баргидан шарбат тайёрлашни ўргандим. Унинг қон босими ҳамда юрак қон-томир касалликлари учун ниҳоятда шифобахш эканлигини эса амалда кўрдик.

Дарҳақиқат, Ғанижон аканинг ишбилармонлиги рўзғорининг бутлиги, оиласининг фаровонлигига хизмат қилмоқда. Мазкур хонадонда иссиқхонадан ташқари етти сотихга яқин экин экиладиган очиқ майдон бор. Томорқанинг бир томонида 10 туп олма дарахти, иккинчи томонида ток парвариш қилинади. Ушбу оила аъзоларининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, маҳалладошларга ҳамда ички бозорга узум ва олма етказиб беришдан умумий 5 миллион сўмга яқин фойда олишган.

Аллақачон чопилиб, атрофига гўнг жамланган ер майдони экинга ҳозирлаб қўйилган. Уй эгасининг иш услубига кўра, томорқага ердан муз кетган чоғда картошка экилади. Май ойларида сара ҳосил йиғиштириб олингач, такрорий экин учун помидор, ошкўклар экилади. Кузга келиб шудгорга маҳаллий ўғит солиниб, ерга дам берилади. Хуллас, йил давомида ҳар қарич ердан ҳам омилкорлик билан фойдаланилади.

Очиғи, Ғанижон аканинг тадбиркорлиги бошқаларга ҳам ибрат бўлмоқда. Шундан бўлса керак, биргина Ободон маҳалласининг ўзида айни вақтда 6 та хонадон соҳиблари иссиқхонада лимон парвариш қилишнинг ҳадисини олишди. Ер билан тиллашаётган ана шундай оила соҳибаларидан бири Муножотхон Мирзабоеванинг хонадонида ҳам бўлиб, опанинг иш услуби билан танишдик.

– Ҳар ишда ҳисоб-китобга суянган одам кам бўлмайди, – дейди у бизни мўъжазгина иссиқхонаси билан таништирар экан. – Ўғилларим билан кўчат етиштиришни ўзлаштирдик. Иссиқхона ташкил этган йилимиз минг туп лимон дарахти экдик. Харидорларга лимон кўчати етказиб бериш орқали икки йилдан буён ҳар мавсумда олаётган даромадимиз ўн миллион сўмдан ошмоқда.

Иссиқхонанинг чор-тарафидаги ранг-баранг гуллар, бизни беихтиёр ўзига жалб этди. Уй бекасининг айтишича, уч йилдан бери тувакларда гул кўчати етиштириб келади. Харажати 550-600 сўм атрофида бўлиб етишаётган гулларни тадбиркор, баҳор ойларида туваги билан қўшиб 8-10 минг сўмгача сотмоқда. Энди ҳисоб-китобни ўзингиз чамалайверинг.

Бундан ташқари, иссиқхонада қишин-ёзин рўзғорда зарур бўладиган резаворлар, помидор, бақлажон, булғор қалампири ҳам бўлади. Бундай иссиқхона ердан икки метр чуқурликда барпо қилинганлиги учун табиий шароитда исийди. Яъни, уни иситишга ҳеч қандай харажат қилинмайди. Қаҳратон қишда ҳам ичкарида мўътадил иқлимни сақлаш мумкин.

Яна кўплаб хонадонларда бўлдик. Чоғроқ ҳовли шароитида ана шундай ишларни йўлга қўйиш орқали турмушини обод этаётган юртдошларимизнинг яратувчанлик бобидаги интилишлари ва натижалари ҳақиқатан ҳам ҳавас қилишга арзийди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**

Қашқадарё Вилояти

# ОБОДЛИК ВА САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

## АҲОЛИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИЗЧИЛ ИШЛАР АНА ШУ ЖИҲАТИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

**Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Қашқадарё вилоятида ҳам “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида қатор ишлар олиб борилди.**

Хусусан, вилоятда ишлаб чиқилган манзилли дастурга асосан 61 та иншоот, 37 та аҳоли пункти ва 24 та намунавий уй-жой массивида 118 тадан зиёд сув қувурлари қурилди, таъмирланди, 3 та артезиан қудуқ ва 9 та сув минораси қуриш, 46 та қудуқни таъмирлаш, 128 та насос ўрнатиш ва 172 та сув резервуарини таъмирлаш ишлари бажарилди. Натижада 25,2 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Бундан ташқари, ишлаб чиқилган қўшимча дастурга асосан 21 та иншоотда қурилиш, таъмирлаш ва бунёд этиш ишлари олиб борилмоқда. Айни вақтгача 34,3 километр ичимлик суви тармоқлари қурилди. Қолган барча иншоотлар ҳам эрта-индин фойдаланишга топширилади.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг бевосита ғамхўрлиги билан умумий узунлиги 77,1 километр бўлган “Оқсув-Деҳқонобод” катта сув қувурини бунёд этиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Бунинг натижасида Деҳқонобод тумани аҳолисининг 69 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланади.

2014 йилда зиммамизда янада юксак вазифалар турибди. Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан 2014 йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани масъулиятимизни янада оширмоқда. Аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлаш дастури шакллантирилиб, тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда 2014 йилда жами 40 та объект, шундан тўртта қишлоқ аҳоли пункти ва 36 та намунавий уй-жой массивида ичимлик суви тармоқлари бунёд этиш режалаштирилган. Бу ишларни амалга оширишда зарур бўладиган лойиҳалар ишлаб чиқилди, техникалар парки янги, замонавийлари билан мустаҳкамланмоқда.

Сирасини айтганда, бугун вилоятда амалга оширилаётган бу каби бунёдкорлик ишларидан кўзланган мақсад ободлик ва саломатликни таъминлашдир.

Обод турмушнинг, соғлом ҳаётнинг асосий омили тоза ичимлик суви билан боғлиқ. Келгуси йилда ҳам бунёдкорлик ишларининг кенгайиши, хайрли тадбирларнинг узвий давом этаётгани бизни ҳам ниҳоятда қувонтириб, шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда.

**Нормурод ҲАМЗАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти “Сувоқова” бошқармаси бошлиғи.**

▼ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

# ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ЯРАТГАН ҒЎЗА ГЕНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ ЖАҲОНДА КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

***Халқаро миқёсда пахтачилик соҳасининг мониторинги билан шуғулланадиган Халқаро ғўза маслаҳати қўмитаси – ICACга ғўза парвариши ва пахта толаси савдоси билан шуғулланадиган қирқдан ортиқ мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо. Мазкур ташкилот 2009 йилдан буён жаҳон мамлакатларида олиб борилаётган йирик ғўза тадқиқотларининг натижалари соҳасида "Йил тадқиқотчиси" танловини ўтказиб келади. 2013 йилда бу мукофотга Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази директори, биология фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдураҳмонов ғўза геномини чуқур тадқиқ қилишдаги фундаментал ютуқлари учун сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, ICACнинг бундай юксак эътирофига ҳозирга қадар саноқли олим лойиқ кўрилган.***



Мустақиллик йилларида селекционерларимиз томонидан ғўзанинг турли зараркунанда ва касалликларга чидамли, мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил, толаси узун ва янги навлари яратилмоқда. Кейинги йилларда ана шундай хусусиятларга эга 20 хил янги нав районлаштирилди, улар жаҳон бозорида талаб этилган асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган микронейр кўрсаткичига тўла жавоб беради.

Мамлакатимизда геномика ва биоинформатика фанларининг ривожланишига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли дунё фанида ўз ўрнига эга нуфузли илмий мактаб ва муҳит шакллантирилди, замонавий лабораториялар ташкил этилиб, кенг миқёсда халқаро илмий алоқалар йўлга қўйилди. Юртимиз олимлари эришган энг сўнгги ютуқлардан бири – бу улар томонидан ғўза учун яратилган дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир.

Соҳада олиб борилаётган тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, орттирилган тажрибани бошқа экинларга ҳам ўз вақтида татбиқ этиш ва рақобатдошлигини оширишда Ўзбекистон Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика марказининг муҳим ҳиссаси бор.

Марказ илмий жамоаси ҳанузгача ноаниқ бўлган ғўза геномидаги рекомбинацион блоклар (яъни, авлоддан-авлодга кўчиб ўтадиган ген аллеллари тўплами) ўлчамларини топиб, замонавий тезкор "ассоциатив карталаштириш" усулини кашф этди. Натижада ғўза геномидаги генлардан фойдаланишнинг янги имкониятлари очилиб, ғўзада замонавий маркерларга асосланган селекция усуллари ишлаб чиқилди. Бу янгича хусусиятларга эга туркум «Порлоқ» навларини яратиш имконини берди. Масалан, 2013 йилда йигирмадан ортиқ фермер хўжалиги далалари ҳамда марказнинг махсус уруғчилик хўжалигида ген-нокаут усулида яратилган ғўзанинг янги – "Порлоқ-1", "Порлоқ-2", "Порлоқ-3", "Порлоқ-4" навларини етиштириш ишлари бошлаб юборилди.

– Ген-нокаут ёки РНК интерференцияси молекуляр генетика усули бўлиб, организмнинг белгиланган генлари фаоллигини тўхтатиш имконини беради, – дейди И.Абдураҳмонов. – Шу туфайли генлари "ўчирилган" (нокаут қилинган) организм вужудга келади. Бу нуклеотид кетма-кетлиги маълум бўлган генларнинг функциясини аниқлашга ёрдам беради. Нокаут қилинган ва нормал организм намуналари орасидаги фарқлар, ўрганилаётган ген функциясини кўрсатиб беради. Қишлоқ хўжалиги экинларининг биологик кўрсаткичлари – ҳосилдорлик, эртапишарлик, зараркунанда ва ҳашаротларга чидамлиликнинг намоён бўлишида иштирок этувчи геннинг таркиби ва функцияси аниқлангандан сўнг мақсадга мувофиқ равишда ушбу ген фаолиятини кучайтириш ёки аксинча уни тўхтатиш мумкин.

Масалан, ўсимликнинг пишиб етилиши жараёнини секинлаштирувчи генлар фаолиятини сусайтириб ёки бутунлай тўхтатиб, эртапишарликка эришиш ёки, аксинча, улар фаоллигини кучайтириб, пишиб-етилишни кечиктириш мумкин. Мазкур янгилик бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу технология Ўзбекистонда, АҚШда ва халқаро миқёсда патентлаш учун топширилди.

Аслида ғўзада ишлаб чиқилган ген-нокаут технологияси жуда оддий биологик ҳодисага ўхшайди. Маълумки, қоронғида етиштирилган ўсимлик ёруғликдаги турдошига нисбатан тезроқ ўсади. Сояда ўсган ўсимликлар одатда "соялаш синдроми" эффекти туфайли, яъни вегетация даври охирлаётганидан хавотирланиб, ўзидан авлод қолдириш мақсадида тез гуллайди. Бунинг сабаби молекуляр соатларни бошқарувчи рецептор генларнинг фаоллигида бўлиб, ривожланаётган ғўза толаси қоронғи жойга қўйилса, тез узая бошлайди.

Шунга кўра, табиий дала шароитида ўстирилаётган ғўза ўсимлигидаги тола ҳужайралари ёруғлик спектридаги муайян нурга суст жавоб берадиган этиб қўйилса, яъни "соялатилса", тола нисбатан узайиб, ўсимлик тез гуллайди. Бу назарияни технологияга айлантириш учун 2003-2009 йиллар мобайнида амалга оширилган халқаро ва маҳаллий фундаментал лойиҳалар самарасида ғўзанинг ёруғлик нури спектрларини ютувчи рецептор генлар оиласи Ўзбекистонда клонланди ва тавсифланди. Кейинги босқичларда эса ғўзада бу генларнинг фаоллигини «генни ўчириб» қўйиш орқали бошқариш технологияси ишлаб чиқилди.

– Бугунги илм-фан тараққиёти ғўза геномикасини ўрганишда классик усуллардан биотехнологияларга асосланган янги усулларга ўтиш имконини бераётир, – дейди марказнинг кичик илмий ходими, ёш генетик Мирзакамол Аюбов. – Масалан, биз ўсимликнинг эртапишарлиги, толанинг сифат кўрсаткичлари, гуллаш даврини аниқлашда нафақат анъанавий кузатув, балки молекуляр анализ усулидан, яъни генларнинг таркибидан ҳам фойдаланамиз. Бундай усул тадқиқот натижалари аниқ ва ишончли бўлишини таъминлайди. Марказимизда ана шундай замонавий таҳлилларни амалга ошириш учун барча зарур имкониятлар мавжуд.

2009-2013 йилларда аввал лабораторияда, кейин дала тажрибасида олиб борилган генетик таҳлил маълумотларига кўра, ген-нокаут технологияси ёрдамида олинган ғўза амалдаги ўсимликларга нисбатан, тезлашган вегетатив ўсиш хусусиятига ва 2-3 баробар узун илдиз тизимига эга эканлиги маълум бўлди. Бундай навли пахта 5-10 кун аввал етилади, ҳосилдорлиги 18-30 фоиз ошади, толасининг узунлиги 40 миллиметргача, микронейр кўрсаткичи 4,2 миллиметргача етади. Айни пайтда мазкур технологияни бошқа қишлоқ хўжалиги экинларида ҳам қўллаш борасида изланишлар олиб борилаётир.

Ғўзанинг ген-нокаут шаклларида қурғоқчиликка, шўрланишга ва совуқ ҳароратга чидамлилик кўрсаткичлари нисбатан юқори. Муҳими, яратилган навлар экологик жиҳатдан хавфсиз бўлиб, дунёда мавжуд биотехнологик ғўзалардан фарқли равишда ҳеч қандай "бегона" ген ишлатилмаган. Аксинча, бунда ғўзанинг ўзидаги генлар фаолияти сусайтирилган, холос.

Геномика ва биоинформатика марказида айни пайтда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳашаротларга, патоген омилларга ҳамда шўрланишга чидамлилигини белгиловчи бошқа генларни аниқлаш ва улар асосида янги биотехнологик навлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

– Ғўзада учрайдиган вилт ва нематода касалликлари борасида жуда қизиқарли тадқиқотлар олиб бормоқдамиз, – дейди Геномика ва биоинформатика марказининг кичик илмий ходими Умид Шопўлатов. – Асосан чувалчанглар келтириб чиқарувчи нематода касаллиги тропик ўлкаларда экиладиган пахта навларида кенг тарқалган бўлиб, ўсимлик танасини озуқа моддаларидан узиб қўяди. Вилт эса мамлакатимизда етиштириладиган кўплаб экинларга зарар етказади. Селекционерларимиз ғўзанинг бу касалликларга чидамли бир қанча навларини яратган бўлса-да, улар шўрланиш ва қурғоқчиликка чидамсиз. Шу боис, тадқиқотларимиз доирасида ушбу навларнинг геномикаси, аниқроғи, юқоридаги хусусиятлар учун "жавобгар" генлар ўрганилмоқда. Ушбу генларни ген-нокаут технологияси ёрдамида бошқариш орқали ғўзанинг турли табиий таъсирларга чидамли истиқболли навларини яратиш ниятидамиз.

Ҳозир марказда ғўзада вилт касаллигини келтириб чиқарувчи замбуруғларнинг махсус генетикасини аниқлаш юзасидан тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Марказнинг ўсимликлар чидамлилиги лабораторияси мудири Шароф Эгамбердиевнинг айтишича, ҳозирга қадар вилт касаллигининг 120 тури аниқланган. Албатта, ўсимликнинг қайсидир касалликка мойиллиги унинг генларига ҳам боғлиқ. Вазифа – ғўзада касаллик қўзғатувчи патогенларнинг табиатини ўрганиш ва шу орқали уларни бартараф этиш усулини топишдан иборат. Вилт касаллигини чақирувчи патогенларни аниқлаш енгиллашса, ғўзанинг зарарланиш хавфини олдиндан башорат қилиш ҳамда касалликка чидамли навларни яратиш имконияти янада ошади.

